



МОЛ-МУЛКНИ ХАТЛАШ ПРОЦЕССУАЛ ҲАРАКАТИДАГИ САНКЦИЯНИНГ АҲАМИЯТЛИ ТОМОНЛАРИ

Самандаров Кудрат Базарбаевич

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, подполковниги

E-mail: samandarovqudrat2@gmail.com

Аннотация: Мақолада суд тергов органларининг мол-мulkни хатлашидаги амаиётини тақомиллаштириши мақсадида мулкни хатлаш масаласидаги санкцияни судларга ўтказилиши институтининг аҳамиятли омонлари ва бугунги кунда мол-мulkни хатланишидаги мавжуд муаммолар кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, судларга ўтказилаётган санкцияни амалга ошириши тартиби бўйича тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати юзасидан амалиётда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни олдини олиши мақсадида бир қатор тақлиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: мулк, терговчи, суришиштирувчи, санкция, зарар, санкция пакети, далиллар, ижро, дахлсизлик.

Республикамизда кейинги пайтларда олиб борилаётган кенг ислоҳотлар натијалариға қарамасдан процессуал муносабатларда мол-мulkни хатлаш масаласида очиқ турган бўшлиқларни кўриш мумкин. Содир эйтлаётган жиноятлардан жабр кўрган фуқароларнинг мулкий зиёнини қоплашда таъсир кучига эга бўлмаган процессуал ҳаракат сифатидаги мол-мulkни хатлашни мажбурлов чорасига айлантириш, бу борада мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласида мол-мulkни хатлашни судларга ўтказиш масаласи, мол-мulkни хатланаётган учинчи шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимояланишдаги мавжуд камчиликлар ва уларга ечимлар топиш мазкур масаланинг долзарблигини кўрсатади.

Одил судловни амалга оширишда юзага келадиган долзарб ва жуда мураккаб муаммолардан бири бу мулкий низолар нуқтаи назаридан ҳукмни ижро этишдир. Шу нуқтаи назардан, мол-мulkни олиб қўйиш каби процессуал ҳаракатни қўллаш муҳим аҳамиятга эга[1]. Конунга кўра, бу ишни судга қадар юритишдаги ягона чора бўлиб, жиноят натижасида жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий заарнинг ўрнини қоплашдаги кафолат хисобланади.

“Энди, терговчи жиноятга алоқадор деб, ҳар қандай мулкни хатлаб қўя олмайди. Ахир, биз хусусий мулк дахлсизлигини кучайтириш бўйича озмунча ҳаракат қиласяпмиз-ми? Бундан буён, мулк ҳукуқини чеклашга оид ҳар қандай ҳаракат фақат суд орқали бўлади”, - деди президент.

У тергов сифатини ошириш бўйича ҳам тизимли чоралар қўрилишини қўшимча қилди. Хусусан, тергов шахсни айблаш учун эмас, жиноятни фош этиш орқали ҳақиқатни аниқлаш учун ишлаши керак [2].



18-асрнинг бошларида Пётр I даврида “даъвони таъминлаш институти” ишлаб чиқилган бўлиб, уни қўллаш даъво аризасида жавобгарга нисбатан кўпроқ мол-мулк мавжуд бўлган ҳолларда суд қарори билан амалга оширилади [3]. Бу муддат биринчи марта таъминот характеристидаги чора-тадбирлар қаторида мол-мулкни хатлаш ҳисобланади. Е. В. Васьковскийнинг таъкидлашича баъзи ҳолларда, фуқаролик процессида кўрсатилганидек, суд ижроиси қарздорга чақирув қоғозини тақдим этганда мулкни ундириш қўйидаги ҳолларда мумкин бўлган:

- 1) қарздорнинг мол-мулки унинг турган жойида жойлашганда;
- 2) мол-мулк тез ёмонлашаётган бўлса, даъвогар уни дарҳол олиб қўйишни талаб қилганда;
- 3) даъвогар мулкни яшироқчи бўлганда.

Ўз навбатида, қарздорга тегишли бўлган, мустақил равишда ёки бошқа шахснинг вақтинча ва умрбод эгалигида бўлган қўчмас мулк ҳам ундирилиши мумкин. Эгаси кўрсатилган мол-мулкка эгалик қилиш факти қанчалик тезроқ тасдиқланса, суд ижроиси шунчалик тезроқ унинг ҳаракатини тўхтатиб, даъвогарни судга мурожаат қилишини таъминлайди [4]. Тақиқлаш учун суд ижроисининг вазифаси судга ҳисбот юбориш бўлади. Суд томонидан мулкни тақиқлаш фақат ушбу ҳисбот асосида амалга оширилган.

Мулкни хатлаш - кўрсатилган қўчар мулкни рўйхатга олиш ва уни сақлаб қолишидан иборат эди. Қўчар мулкни олиб қўйиш суд ижроиси томонидан ушбу мол-мулкни баҳолаш билан бир вақтда олиб қўйилган ҳар бир нарсанинг номи ва хусусиятлари кўрсатилган рўйхатга олиш билан амалга оширилган.

Шуниси эътиборга лойиқки, терговчи айбланувчининг мол-мулкини ўз ташаббуси билан ёки жабрланувчининг ташаббуси билан олиб қўйиш зарурлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилган тақдирдагина айбланувчига нисбатан пул жазосини таъминлаш бўйича шошилинч чоралар бўйича судга ариза билан мурожаат қилиши мумкин эди. В.К. Случевский таъкидлашича полиция жиноятларнинг олдини олиш ва бостириш учун жиноятчилардан нарсаларни олиб қўйиши, уларнинг баъзиларини жабрланганларга қайтариши, баъзиларини эса жамоатчилик эътиборига юбориш лозим [5].

Мол-мулкни хатлаш тўғрисида қарор қабул қилиш учун етарлидир. Агар терговчи гумон қилинувчи ёки айбланувчининг ҳаракатларида қўшимча жазо сифатида мол-мулкни хатлашни назарда тутувчи жиноят таркибини аниқласа, бу тегишли қарор қабул қилиш учун жиноий-ҳукуқий асос бўлади. Жиноят содир этиш билан бир вақтда моддий зарар етказилган тақдирда, мол-мулкни хатлаш тўғрисидаги қарор иккала асосни ҳам ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади. Уларнинг ҳеч бирида устунлик йўқ. Шу билан бирга, ҳар бир моддий-ҳукуқий асос муайян оқибатларга олиб келади. Юқорида таъкидланганидек, мол-мулкни хатлашда унинг мумкин бўлган хатланишини таъминлаш учун инвентаризацияга айбланувчининг барча мол-мулки киритилиши керак.



Жиноят кодексининг жуда кўп моддалари қўшимча жазо чораси сифатида мол-мулкни хатлашни назарда тутади. Юқорида таъкидланганидек, бу ҳолатда хатлаш гумон қилинувчи ёки айбланувчининг барча мол-мулкига нисбатан қўлланилиши керак.

«Тергов сифатини ошириш бўйича ҳам тизимли чоралар кўрамиз. Тергов шахсни айблаш учун эмас, жиноятни фош этиш орқали ҳақиқатни аниқлаш учун ишлаши керак. Шу билан бирга, судда ишларни кўришда қатнашадиган алоҳида прокурорлар корпуси шакллантирилади. Улар маҳсус ўқитилади, ишни судда кўришда холис, мустақил бўлиши қонун билан белгиланади», «Тинтуб ўтказиш, телефон сўзлашувини эшитиш ва мулкни хатлашга санкцияни прокурордан судга ўтказамиз», - деди президент Шавкат Мирзиёев [6].

Хуроса ўрнида шуни айтиш керакки, жиноят қонунчилигини либераллаштириш нуқтаи назаридан ҳам, фуқаролар томонидан жиноятлар натижасида жабрланганларга етказилган зарарни ихтиёрий ва тўлиқ қоплаш муайян ижтимоий хавф түғдирмайдиган жиноятлар тоифаси ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органдинг вақтинчалик ва меҳнат харажатларини камайтириш нуқтаи назаридан бўлган тақдирда жиноий таъқибни тугатиш имкониятини назарда тутган ҳолда ҳам самаралидир.

Бугунги кун ислоҳотларидан келиб чиқиб, берилаётган таклифларни инобатга олган ҳолда мол-мукни хатлаш бўйича санкцияни судларга ўтказиш белгиланадиган бўлса, унда суддан санкция олишда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим бўлади

- жиноят иши қўғатилганлиги тўғрисидаги қарор;
- гумон қилинувчи ёки айбланувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор;
- шахсга тегишли бўлган мол-мулк тўғрисидаги маълумотнома;
- гумон қилинувчи ёки айбланувчи шахсга оид маълумотлар;
- ундирув билан боғлиқ бўлмаган жиноятлар содир этилганда хатланиши лозим бўлган мол-мулкнинг жиноятга алоқадорлиги тўғрисидаги маълумот.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. *V.A. Ионов.* Наложение ареста на имущество при производстве предварительного расследования по уголовным делам об экономических преступлениях. Кандидат юридических наук. Дисс.Автореферат. Нижний Новгород – 2010. С. 246.

2. <https://sputniknews-uz.com/20221220/mulkni-xatlash-va-tintuv-otkazishgaruxsat-berish>.

3. Российское законодательство X-XX веков. В 9 томах / Под ред. О.И. Чистякова. Т. 3. М.; Юрид. лит., 1991. Т. 4. - С. 408-425.

4. *Голибжон Воҳидов.* Жиноят оқибатида шахсга етказилган зарарни ундиришнинг ўзига хос жиҳатлари. <https://sud.uz/jinoyat-oqibatida/>

5. *Случевский В.К.* Учебник русского уголовного процесса. Судоустройство – судопроизводство. Изд. 4-е, доп. и испр. - СПб.: Тип. М.М. Стасюлевича, 1913. - С. 511-512.



6. Тинтуб, телефон сұхбатини тинглаш ва мулкни хатлаш учун санкциялар судга үтказилади. <https://www.gazeta.uz/uz/2022/12/20/from-prosecutors-to-judges/>